

“Беш ташаббус” ғолиблари аниқланди



“Беш ташаббус” ғолиблари аниқланди

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта ташаббус ижроси вилоятимизнинг энг чекка тумани – Сухда ўзининг амалий ижросини топаёттир. Буни таълим муассасаларида ўтказилаётган турли тадбир ва мусобақларда кўришимиз мумкин.

Жумладан, тумanning 4, 10, 15 ва 25-сонли УЎТ мактабларида ташаббуснинг иккинчи йўналиши – ёшларни жисмоний чиниқтириш ва спорт соҳасида ўз қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиб бериш мақсадида ўтказилаётган кўрик-танлов ва мусобақалар сўзларимизнинг яққол мисолидир. Маълумот ўрнида: айти пайтда туман таълими муассасаларида 196 та спорт тўғараклари ташкил этилган бўлиб, ушбу тўғаракларга 6 312 нафар ўқувчилар жалб қилинган.

Жумладан, Республикамизда ўтказилиши анъанага айланиб қолган “Ёшлар шахмат тахтаси” турнирининг мактаб босқичлари тумanning юқорида номлари тилга олинган мактабларда ўтказилмоқда. Туман Ёшлар Иттифоқти ва халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирларда ўқувчиларнинг фаол иштироки таъминланаёттир. Айтиқса, 10-сонли УЎТ мактабида ушбу мусобақанинг мактаб босқичи ниҳоясига етиб, ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Мусобақа натижасига кўра, мактабнинг 4-синф ўқувчиси Паризода Каримжонова, 6-синф ўқувчиси Азизбек Каримжонов, 7-синфда таҳсил олаётган Фахриддин Қутбидинов ва 11-синф ўқувчиси Роҳилахон Каримжоновалар ушбу мусобақанинг ғолиблигини қўлга киритдилар.



Шунингдек, Сух туманида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган “Ёш китобхон” танлови ҳам анъана тусини олган. Туман халқ таълими бўлим мудирининг маълумотига кўра, туманнинг 20-сонли УЎТ мактабида 14 - 16-ёшли ўқувчилар ўртасида ушбу танловнинг мактаб босқичи ўтказилиб, биричунни ўрин ғолибига 100 000 сўм пул мукофоти, 2 ўрин ғолибига 75 000 сўм ва 3-ўринни олган ўқувчига 50 000 сўм пул мукофоти топширилди.



Шунингдек, тумандаги 12 -сонли мактабда 12, 13, 14, 15, 23-сонли УЎТ мактаблари ва 3-ИДУМнинг ёшлари ўртасида “Ёш китобхон ” шиори остида китобхонлик кўрик-танлови ўтказилди. 1 ўрин 3-ИДУМ ва икинчи ўрин 12-сонли мактаб ўқувчи-ёшларига насиб этиб,

Ғолибликни қўлга киритган иштирокчилар мусобақанинг туман босқичига йуланмаларни қўлга киритишди. Танлов ғолиб ва совриндорларига туман халқ таълими бўлимнинг фахрий ёрлиқлари тақдим этилди.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-02-20 14:47:44